2009-yil 26-may № 62 (2631) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ёшларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Ислом КАРИМОВ


ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БРАЗИЛИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан 2009 йилнинг 27-29 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бразилияга кетаётиб, 26 май куни Мадрид шаҳрида тўхтаб ўтади ва Испания Қироли Хуан Карлос ҳамда Испания Қироллигининг бошқа расмий шахслари билан учрашади.



Сўнгги қўнғироқ садолари

Мамлакатимизнинг барча таълим масканларида 25 май куни сўнгги қўнғироқ садолари янгради.

Чилонзор туманидаги 217-мактабда ҳам ушбу ҳаяжонли сана муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Мактаб директори Умида Орипова тугалланган ўқув йили ҳақида тўхталиб, катта ҳаётга қадам қўяётган ўғил-қизларга омад тилади. Ўқувчилар томонидан тайёрланган бадиий-мусиқий дастур йиғилганларга хушнудлик улашди. Анъанага кўра, битирувчи жажжи ўқувчига «эстафета»ни топширди.

Икром ҲАСАНОВ
сурат лавҳаси

Илгари ўзбегим боласи десак, биров тушунса, биров тушунмасди. Энди сенинг бугунинг, эртанги кунинг, тақдиринг мамлакат раҳбарининг доимий эътиборида турганини унутма. Зеро, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар ҳам оз эмас. Чунки аввалги замонда Ўзбекистон деган калима Иттифоқ деган қобиқ ичидан ташқарига чиқмасди. Ҳозирги вақтда эса юртимиз шуҳрати жумлаи жаҳонга ёйилди.

UMID NIHOLLARI

Ўзбегим боласи

Гулистон шаҳрида очиладиган «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақаси қатнашчиларига бағишлов

Ўзбегим боласи! Эътибор бергин, ҳатто биз ақлсиз деб ҳисоблайдиган жонзодлар ҳам боласини балоқазолардан асрашга интилади ва оёққа қўяди. Мана бир мисол, бургут боласини учирма қилиш учун баланд самога кўтариб чиқади ва ўша юксакликдан ерга ташлаб юборади. Айримлар буни бераҳмликка йўяди. Йўқ, болакай, ундай эмас. Бургутча бундай синовда қанот қоқишни ўрганади, яшашга, мустақил ҳаёт кечиришга кўникма ҳосил қилади.

Биринчи синовдан муваффақиятли ўтган бургут боласи дунё кезади, ўзига ризқ-рўз топади. Ўзбегим боласи, сен бугун ана шу бургутчани эслатиб турибсан.

«Умид ниҳоллари» юртимизда ёш авлодни жисмонан тоблаб, чиниқтириб борадиган уч босқичли узлуксиз тизимнинг биринчи қадами. Ўзбегим боласи, келажакда ким бўлишинг, нималарга эришишинг ана шу дастлабки қадамни қандай ташлашингга боғлиқ.

Сенга билдирилган ишончни оқлашга ҳамиша шай бўлиб тургин. Ўзбегим боласи, бу ғамхўрлик ва келажак ташвиши бежиз эмас. Ниҳоллар мана шундай интиқ кутишлар самараси ўлароқ чиноргa айланишини барчамиз истаб турибмиз.

Дарсликлардан биласанки, соҳибқирон Амир Темур ҳам юрт фидойиси бўлган. Унутма, сен ана шу улуғ зотнинг ворисисан. Яна эсла, буюк саркарда баъзан набираларини ҳам шикорларга олиб чиққан, кийик овлаш, камондан ўқ отиш, отда чопиш, сувда сузиш, югуриш каби машқларда уларни чиниқтирган, юрт ҳимоясига тайёрлаган, қийинчиликларни мардона енгишга ўргатган.

Сигирнинг сутини эмиб катта бўлган от кўпкарига ярамайди. Юртимиз ғамини, унинг келажагини ўйлаётган давлатимиз раҳбари сени бегона юрт сути билан вояга етказмаяпти. Яъни, мамлакатимиз бегона юртлардан қарз олмасдан, ўз тақдирини ўз қўли билан яратмоқда.

(Давоми 4-бетда)

Жараён

Тошлоқ тумани Найман қишлоғида уч қаватли янги коллеж биносини бунёд этиш ишлари олиб борилмоқда.

Коллеж бунёд этилмоқда

Асосан қурилиш ва транспорт йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлайдиган, 620 ўқувчига мўлжалланган янги ўқув маскани қурилиши Марғилон шаҳридаги 6-кўчма механизациялашган колонна масъулияти чекланган жамият томонидан амалга оширилмоқда.

Янги коллежда спорт зали, 2 та ўқув мажмуаси, 50 ўринли ётоқхона, устахона, ошхона ўқувчилар хизматида бўлади. У Мустақиллик байрамига қадар фойдаланишга топширилади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Фаровонлик

Кенгга кенг дунё

Сайхунобод туманидаги «Истиклол» фуқаролар йиғини таркибида 2 минг 779 та хонадон бўлиб, ҳудудда 7 та умумий таълим мактаби, 3 та қишлоқ врачлик маскани, 2 та почта-алоқа бўлими, 3 та болалар боғчаси, 2 та минибанк, 4 та сартарошхона, 1 та чойхона, 30 дан ортиқ тижорат дўкони, 10 дан зиёд тегирмон, этикдўзлик дўконлари, 2 та кичик тикувчилик фирмаси ишлаб турибди.

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантиришда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Аҳолининг томорқадан омилкорона фойдаланиши натижасида бир йилда 3 мартагача сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириляпти. Раҳмат Жўраев, Малик Тўланбоев, Мавлуда Умарова, Ҳусан Мамажонов сингари томорқа эгалари 3-4 миллион сўмгача қўшимча даромад топишаяпти. Қуролой Нуриддинова ва Қурбонбой Қаршибоевларнинг анжирлари ҳам жуда харидоргир. Тадбиркор Бозор Аллаёров эса қўрғон сарҳадида балиқчилик хўжалиги ташкил қилди.

Йил моҳиятидан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини фаоллари, маслаҳатчилари ва маҳаллий ишбилармонлар тераказорлар барпо этиш, 2 километр масофадаги табиий газ қувурини алмаштиришга жазм этишди. Шунингдек, собиқ консерва заводини ҳомийлик асосида қайта тиклаш, 20-30 нафар ёшни ижтимоий фойдали иш билан таъминлаш чоралари хусусида бош қотириляпти.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Курувчи ва ҳунармандлар тайёрланмоқда

Ургутдаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида 11 йўналиш бўйича 1350 нафар ўқувчини ўз бағрига олган.

Ўқув масканида ёшларнинг замон талаблари асосида пухта билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун барча шароит яратилган. Бу ерда амалий машғулот дарслари ҳунармандчилик ускуналари ўрнатилган ўқув хоналарида олиб борилади. Коллеж ўқувчиларига зардўзлик ва миллий ҳунармандчилик сирлари ҳам ўргатилмоқда.

Суратда: *ёш зардўз Сабина Муқимова.*

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат



Инвестиция — юксалиш омили

Қашқадарё вилоятида иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун мавжуд захиралардан оқилона фойдаланиш мақсадида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва қўшма корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ишлаб чиқариш суръати ўсиб, жалб этилаётган сармоялар ҳажми кундан-кун ортиб бормоқда. 2006-2008 йиллар давомида вилоятга 68 та лойиҳа доирасида 542 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилган бўлиб, шундан 47 та лойиҳа учун 468,2 миллион доллар миқдоридаги маблағ тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга йўналтирилди.

Фаровонлик асоси

Вилоятнинг 53 та корхонаси маҳсулотлари хорижлик истеъмолчиларга етказиб берилди. 22 та лойиҳа асосида 200 дан зиёд ихчам технология жорий этилди. 25 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Узунқир қишлоғидаги «Китобагроинвест» масъулияти чекланган жамият вино маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, 16 кишилик иш ўрни яратилган. «Комфорт-Насаф-Шанхай» корхонаси эса резинали спорт йўлакларини тайёрлашга ихтисослашган. «Leather Karshi» масъулияти чекланган жамият мақомини олган Ўзбекистон-Швейцария-Греция қўшма корхонасида эса тери маҳсулотлари қайта ишланмоқда.

— Низом жамғармаси 150 минг АҚШ доллари миқдоридаги «Автотракторрадиатор» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг довруғи чет элларга ҳам тарқалган, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қарши туман кенгаши раиси Қ.Амирқулов. — Корхонада «Кейс» ва «Магнум», «Клаас» русумли комбайнлар ва «Мерседес-Бенс» автобуслари учун радиаторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Дашт қишлоғида жойлашган, ташаббускор тадбиркор Собир Эшқувватов раҳбарлик қилаётган «Оилгазсервисинвест» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида юмшоқ том ёпғич ва гидроизоляцияланган материаллар тайёрлаш йўлга қўйилган.

«Шўртаннефттаз» унитар шўъба корхонаси ва Швециянинг «Зеромакс» компанияси ҳамкорлигида «Култокнефтгаз» корхонаси ер ости бойликларини эл-юрт манфаатига хизмат қилдиришга муносиб ҳисса қўшилмоқда.

Китоб туманидаги Навтак қишлоғида Афғонистоннинг «Абдулахат Муҳаммад Ашурхон» фирмаси таъсисчилигида тузилган қўшма корхона чорвачиликни тараққий эттириш билан шуғулланади.

Қашқадарёлик тадбиркорларнинг Пекин, Урумчи, Шанхай шаҳарларига уюштирилган бизнес-ташрифлари, айниқса, самарали бўлмоқда. Тузилган шартномалар асосида 1256,7 минг АҚШ доллари миқдорида 28 та замонавий ишлаб чиқариш ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Эндиликда Корея, Бангладеш ва Хитой Халқ Республикасининг ваколатли идоралари билан янги технологиялар келтириш бўйича шартномалар имзоланади.

Мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан 207 та лойиҳа ўрганилиб, вилоятга 590,3 миллион доллар миқдорида инвестиция киритиш мўлжалланмоқда. Ана шу мақсадда 2009-2010 йиллар учун «Қашқадарё вилояти соҳаларига инвестициялар жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш Дастури» ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар амалга оширилса, 400 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг талай қисми хорижга экспорт қилиниши режалаштирилган.

Жорий йилда барча манбалар ҳисобида вилоят иқтисодиётига 2 триллион 38 миллиард сўмлик ёки олдинги йилга нисбатан 20 фоиз кўп инвестиция киритилиши кўзда тутилган. Сармояларнинг 1 триллион`464 миллиард сўми корхоналар ҳисобига, 107 миллиард сўми бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар, 104 миллиард сўми Халқаро тараққиёт ва тикланиш жамғармаси ва 79 миллиард сўм аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келади.

Киритилаётган инвестицияларнинг 1 триллион 780 миллиард сўми, ёки 87 фоизи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига, 258 миллиард сўми ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Бир Фармон шарҳи

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ҳам ислоҳотларни тобора чуқурлаштиришга, хусусий секторни янада ривожлантиришга, бинобарин, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини юксалтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли.

Ночор корхоналар соғломлаштирилади

Мазкур Фармондан кўзланган асосий мақсад ҳам иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этишдан иборат.

2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари устав жамғармасининг энг кам миқдори давлат томонидан рўйхатга олинган санада республика Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти 400 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этиши лозим.

Фаолият юритаётган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари эса 2010 йилнинг 1 январигача низом жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада республика Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шартлиги белгиланиб қўйилди.

Фармоннинг иккинчи бандида банкрот корхоналарни тижорат банкларига аукцион ва танлов савдолари орқали мулк сифатида сотиш механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Эндиликда тижорат банклари иқтисодий ночор, банкротликка учраган корхоналарни мулк сифатида аукцион савдолари орқали сотиб олиши, кейинчалик уларни инвесторларга сотишлари мумкин.

Шу йўл билан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва қайта жиҳозлаш таъминланади. Натижада иқтисодиётимиз янада барқарорлашиб, аҳолининг реал даромадларини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришиш имконияти вужудга келади.

Ҳусан ХЎЖАМҚУЛОВ,
Адлия вазирлиги Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бош маслаҳатчиси

Анжуман

Бухорода халқаро фестивал

Бухоро вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳудудий бўлими, Ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази, Сайёҳлик фирмалари ва кичик бизнес ассоциацияси, бошқа нодавлат ташкилотлар ташаббуси билан «Ипак ва зираворлар» халқаро фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда мамлакатимиз ва қўшни давлатлардан юз нафардан ортиқ ҳунармандлар, катор хорижий сайёҳлик фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда қатнашган дипломатик корпус вакилларидан сўзга чиққан Германиянинг мамлакатимиздаги элчиси Маттиас Мейер Ўзбекистон халқининг, бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар аҳлининг дил муддаоси ҳамиша тинчлик ҳамда қардошлик экани яна бир карра исботини топганлигини таъкидлади. Франциянинг Руэй-Мальмезон шаҳри мэри Патрик Оллье эса ўз шаҳри Бухоро билан ўзаро биродарлашганини ҳамда «Ипак ва зираворлар» фестивалига унинг юртидан махсус делегация ташриф буюрганини маълум қилди.

Шу куни Лабиҳовуз, Шоҳруд канали бўйлари, Нодирдевонбеги хонақоси олдидаги Шарқ бозорида савдо қизигандан-қизиди. Бир томонда тожикистонлик заргарлар ясаган тақинчоқлар, бир томонда туркман гиламлари, қирғиз миллий ўйинчоқлари, қозоқ миллий либослари, Ургут, Сурхон, Шофиркон каштадўзлари сўзаналари намойиш этилди. Шунингдек, Фарғона водийси, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё зираворфурушлари ўзлари билан олиб келган дориворларни харидорларга таклиф этдилар.

Фольклор жамоалари ва дорбозларнинг чиқишлари фестивалга байрамона руҳ бағишлади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири



Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши тасарруфида 344 та ташкилот бўлиб, улар 170126 нафар касаба уюшма аъзосини ўз атрофида жипслаштирган. Бултур 316 та ташкилотда жамоа шартномаси ва 7 та вилоят бошқарма, акциядорлик бирлашмалари ҳамда уюшмалари билан вилоят кенгаши ўртасида келишувлар имзоланганди.

Эзгу мақсад сари

Жамоа шартномаларида кўзда тутилган қўшимча имтиёзларни бажариш учун жами 6 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. Ушбу мақсадда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 38 минг сўмдан тўғри келди. Меҳнаткашлар, айниқса, ёрдамга муҳтож оилалар, ногиронлар, етим-есирлар, кекса, ёлғиз қариялар, ёш болали аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини, саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, кам таъминланган ёш оила вакилларидан 1192 нафарига 100 та корхона ҳисобидан 19378 минг сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. 22 та корхонада 70 нафар аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари узайтирилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 147 ёш оилага 28 корхонада 3522 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 14 нафар талаба контракт пулларининг бир қисми 10 корхона томонидан ўтказилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун 2960 минг сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини ўз вақтида тўлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят кенгаши ўз дастури асосида мониторинглар ўтказмоқда.

Боғот туман ҳокимлигида вилоят кенгаши томонидан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида корхона, ташкилот, фермер хўжаликларида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда асосий восита — жамоа шартномалари ҳамда келишувларини тузиш, қабул қилиш ва бажарилишини таъминлаш масалаларига бағишланган ўқув семинарида шу каби рақамлар тилга олинди. Жамоа шартномасининг афзалликлари, у эзгу мақсадлар ижросининг гарови ва кафолати эканлиги яна бир бор эътироф этилди.

Ўқув семинарида республика АСМ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Шамси Эсонбоев, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Реймбой Матрасулов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирлари Йўлдош Салаев, Бахтиёр Матмуродов, Боғот туман ҳокими Рўзимбой Бекчонов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Ўқув семинарида иштирок этган 100 дан зиёд фермерлар, 43 нафар бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, 20 дан зиёд туман кенгашлари вакиллари мавзу атрофида қизғин баҳс юритиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Семинар сўнгида илғор фермерларга касаба уюшмаларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

М. ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

КЎПГА келган тўйми...

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини катта қизиқиш билан қайта-қайта ўқиб ўргандик. 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури кўнглимизга ёруғлик солгани ҳам рост.

Бинобарин, ушбу Дастур бизга ҳам жиддий масъулият юклайди. Шунга кўра, туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан чора-тадбирлар белгиланди.

Жумладан, касаба уюшма фаолларига жойларда бўлиб, энергия ва моддий ресурсларни тежаш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишга оид тарғибот-ташвиқот ишларини юритиш юклатилди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози оқибатлари тўғрисида» ўқувлар ташкил этиш режалаштирилди.

Бундан ташқари, туман меҳнат ва бандликка кўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, касаначилик, чорвачиликни ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳисобига иш ўринлари яратиш хусусида ҳам бир фикрга келинди.

М.ЖАЛИЛОВ,
Таълим ва фан ходимлари Андижон туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

АТРОФЛИЧА тушунча берилди

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича вакиллигида ўтказилган ўқув-семинар мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» китоби муҳокамасига бағишланди.

Тадбирда туман, шаҳар касаба уюшмаси кенгашлари ҳамда бир нечта йирик бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислари иштирок этишди. Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири У.Ғофуров анжуман қатнашчиларига инқирознинг келиб чиқиши билан боғлиқ кенг таҳлилий маълумотларни тақдим этди.

Йиғилишда Тошкент вилоят прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими прокурори Д.Файзиев, Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг муовини А. Худойқулов инқирознинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳисобот бердилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Сув ҳақидаги сўз чуқур ўйланган ва масъулиятли бўлиши лозим

Марказий Осиёда сувдан фойдаланиш муаммоларига бағишлаб сўнгги пайтда минтақамизда кўплаб конференция, симпозиум ва семинарлар бўлиб ўтди. 2009 йил 28 апрель куни Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатларининг форумида ҳам минтақада сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Форумда минтақада сув ресурсларидан фойдаланишга доир турли фикр ва нуқтаи назарлар баён этилди. Трансчегаравий Сирдарё ва Амударё оқимининг юқори ҳамда қуйи қисмида жойлашган давлатлар манфаатларини ҳисобга олганда, бу табиий ҳол, албатта.

Баҳс-мунозаралар давомида ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг айрим вакиллари томонидан трансчегаравий дарёлар сув ресурслари учун муайян шаклда ҳақ ундириш ғоясини илгари суришга уринишлар бўлди. Ҳатто, бундай ёндашувни гўё Жаҳон банки ҳам қўллаб-қувватлаши борасида баландпарвоз гаплар айтилди.

Бироқ ушбу масаланинг моҳиятини жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда диққат билан кўриб чиқилса, масалани бу тарзда қўйиш асоссиз экани аён бўлади.

БМТ маълумотларига қараганда, трансчегаравий ҳавзалар Ер юзасининг 45,3 фоизини қамраб олади. Бундай ҳудудларда сайёрамиз аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилади ва дунёдаги дарёлар оқимининг 80 фоизи мазкур минтақалардан ўтади. Бунда ушбу дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатларга сув учун пул тўланган ҳолатлар ҳеч қачон кузатилмаган. Бундай ҳолат БМТ ҳамда трансчегаравий сув ресурслари мақоми ва ана шу сув ресурсларига туташ давлатларнинг ҳуқуқларини белгилаб берадиган бошқа халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг бирон-бир халқаро ҳуқуқий ҳужжатида кўзда тутилмаган.

Дейлик, Швецария давлати Германиядан, Франция ёки Голландиядан Рейн дарёси унинг ҳудудидан бошланиши учун пул тўлашни талаб қилишини ақлга сиғдириш қийин. Ёки Германия ҳудудидан бошланадиган Европадаги энг узун Дунай дарёсининг қуйи оқимида жойлашган ўнлаб мамлакатлардан ушбу давлатнинг пул тўлашни талаб қилишини ақлга сиғдириш қийин.

Шундай бўладими?..

Энди Жаҳон банкининг сув масаласига ёндашуви ҳақида.

«Марказий Осиёда сув ва энергетика ресурсларининг ўзаро боғлиқлиги, Сирдарё ҳавзасида минтақавий ҳамкорликни яхшилаш тўғрисида»ги маъруза «ишга таллуқли мақола» тарзида тайёрланган бўлиб, банкнинг минтақавий департаменти мутахассисларидан бирининг имзоси билан электрон шаклда эълон қилинган.

Маълумки, «ишга таллуқли мақола» — банк ходимларининг ўз фикрини ифода этиш шаклларидан бири бўлиб, унга қизиқиш туғилган тақдирдагина, муҳокама мавзусига айланиши мумкин, холос.

Дарвоқе, Жаҳон банкига мансуб ушбу бўлимда 14 мингта шунга ўхшаш материаллар мавжуд бўлиб, улар ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг расмий фикрини ифода этмайди, бор-йўғи унинг айрим ходимлари томонидан билдирилган «ёзма ўй-фикрлар»дан бошқа нарса эмас.

Таъкидлаш лозимки, Жаҳон банки низомига мувофиқ, барча таъсисчи мамлакатлар манфаатларини ифода этадиган банк Директорлар кенгаши томонидан маъқулланган қарорларгина ушбу банкнинг расмий фикри ҳисобланади.

Ҳолбуки, Жаҳон банки президенти Роберт Зелликнинг матбуотда эълон қилинган (2009 йил апрель) ва трансчегаравий дарёлар ресурсларидан фойдаланишда халқаро амалиётда қабул қилинган нормалар ва тартибга риоя қилиш, биринчи навбатда, экология ҳамда сув балансини сақлашга оқилона ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш борасидаги ўта муҳим масалалар ўз ифодасини топган мактубида қуйидагилар таъкидланган:

«Мен Сизнинг (Ўзбекистон томонининг) минтақадаги экологик мувозанатнинг ўта нозиклиги, бирор давлатнинг гидроэнергетика соҳасидаги имкониятлари ишга солинса, бу трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатларда сув оқими камайишига олиб келмаслигини узил-кесил таъминлаш зарур экани, шунингдек, янги иншоотларни лойиҳалаштиришда улар барпо этиладиган ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини инобатга олиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларингизни тўла қўллаб-қувватлайман».

Шунингдек, у: «Жаҳон банки ошкораликни ҳамда барча манфаатдор томонларни ташвишга солаётган масалалар эътиборга олинишини таъминлаш мақсадида 2009-2010 йиллар мобайнида барча манфаатдор мамлакатлар билан маслаҳатлашувларни давом эттиради, тадқиқотларнинг натижалари тайёр бўла боргани сари Халқаро мустақил экспертлар комиссияси, шунингдек, манфаатдор мамлакатлар томонидан кўриб чиқилаверишини» таъкидлаган.

Ҳозирги вақтда Жаҳон банки томонидан Марказий Осиёда сув-энергетика масалалари бўйича айнан шу асосда янги стратегияни ишлаб чиқиш борасида иш олиб борилмоқда.

Бундай позиция 2009 йилнинг 13-14 май кунлари Афғонистон бўйича Исломободда бўлиб ўтган 3-Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясида (RECCA) яна бир бор қўллаб-қувватланди. Унда 24 та асосий донор-мамлакатлар, 18 та халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, БМТ ва унинг асосий тузилмалари, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, шунингдек, бошқа етакчи халқаро молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Конференция якунлари бўйича қабул қилинган ва «Исломобод декларацияси» деб номланган ҳужжатда «минтақавий лойиҳалар минтақанинг бошқа давлатлари учун салбий оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик мақсадида халқаро қонунчилик ва қабул қилинган нормаларга мувофиқ амалга оширилиши зарурлиги» қатъий таъкидланган.

Афсуски, бугун минтақа мамлакатларининг айрим экспертлари, ҳаттоки, давлат амалдорлари Марказий Осиёдаги улкан гидротехник иншоотлар совет даврида миллий энергетика активлари сифатида эмас, балки трансчегаравий дарёлар ҳавзасида жойлашган барча республикаларнинг манфаатларидан келиб чиқиб қурилганини инкор этишга уринмоқдалар.

Масалан, гидроэлектр станцияга эга бўлган Тўқтағул сув омбори минтақадаги барча республикаларнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда қурилган бўлиб, биринчи навбатда, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон ҳудудидаги суғориладиган бир миллион гектар ернинг сув таъминотини яхшилашга хизмат қилиши, шу билан бирга, сув омборининг ирригация режимини ўзгартирмаган ҳолда, Қирғизистон эҳтиёжлари учун 4,1 миллиард киловатт-соат гидроэлектр энергия ишлаб чиқариши лозим эди.

Хўш, бу борадаги бугунги аҳвол қандай?

ГЭСга эга бўлган Тўқтағул сув омбори (тўлиқ сув сиғими 19,5 км³., фойдали сув сиғими 14,0 км³.) 1992 йилдан буён асосан энергетика режимида ишлаб келмоқда ва бир йилда 4,1 миллиард киловатт-соат энергия ишлаб чиқариш ўрнига 8,0-8,2 миллиард киловатт-соат энергия, яъни лойиҳада кўзда тутилганидан икки баробар кўп энергия ишлаб чиқармоқда.

Табиийки, бундай ҳолатда бир миллион гектар ернинг сув таъминотини яхшилаш ҳақида гапиришга ўрин ҳам қолмайди. Негаки, Тўқтағул сув омбори ишлашининг энергетика режимини таъминлаш учун қуйи оқимда жойлашган мамлакатларга катта зарар етказилмоқда. Яъни, умумий вегетация оқими 8,0 км³. бўлган Норин дарёсидан мазкур сув омборини тўлдириш учун ёз ойларида камида 5 км³. сув олиб қўйилмоқда. Бу қандай оқибатларга олиб келаётгани яхши маълум: Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатлар – Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистонда ёз даврида сунъий равишда сув тақчиллигини келтириб чиқармоқда.

Қуйидаги далилларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Тўқтағул сув омборини 1990 йилдан буён (яъни, Тўқтағул гидроузели СССР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфида бўлган пайтда) сув билан тўлдириш ва ундан фойдаланишга доир материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, вегетация даврида (апрель-сентябрь) сув ўтказиш ҳажмининг йиллик умумий ўтказиш ҳажмидаги улуши ўртача 70-75 фоизни ташкил этган бўлса, 1991-2008 йилларда (яъни, Тўқтағул сув омборини сув билан тўлдириш ва ундан сув чиқариш Қирғизистон томонидан назорат қилина бошлаган даврда) бу кўрсаткич 45-50 фоизни ташкил қилди.

Бошқача айтганда, аслида, Тўқтағулда тўпланадиган сувдан фойдаланиш Қирғизистоннинг ўзида ҳам, қуйи оқимда жойлашган бошқа республикаларда ҳам сувдан фойдаланувчиларнинг вегетация давридаги манфаатлари эътиборга олинмасдан, энергетика режимига ўтказилган.

Ушбу минтақада жойлашган барча мамлакатлар ва халқлар манфаати йўлида сув-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш масалалари ғоят нозик мавзу эканини, бинобарин, бу борада бирёқлама ёндашувга асло йўл қўйиб бўлмаслигини такрор ва такрор таъкидлашга тўғри келади.

Бу борада юксак масъулият, масалага чуқур ўйлаб, оғир-вазминлик билан ёндашиш, халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва ўзаро мақбул оқилона, муроса йўлини излаш даркор.

О.РАЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси



Сурхондарёни шимолдан Ҳисор тоғ тизмалари, шарқдан Боботоғ, ғарбдан Бойсун тоғи қуршаб туриб-ди. Боботоғ нисбатан пастроқ бўлгани учун чўққиларида қор кўп турмайди. Бойсун тоғлари ҳам воҳа учун етарлича сув бера олмайди. Асосий сув Ҳисор тоғ тизмаларидан тушадиган дарё ва ва булоқлар ҳиссасига тўғри келади. Бунда Тўпаланг дарёси ва сув омборининг ўрни беқиёс.

Ўзанни ўзгартирмайлик



Воҳада аҳоли қадимдан дарёлар бўйида чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Салкам 200 километрга чўзилган Сурхондарё минг йиллар мобайнида тўғри оқаверган. Аммо дарёда сув камайиб қолган ҳолатлар ҳам бўлган. Мисол учун, 1940 йиллардаги қурғоқчилик боис Тожикистон раҳбарлари билан ҳамкорликда Кофирниҳон дарёсидан сув олиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, Кофирниҳон ва Варзоб (Душанбинка) дарёларини бирлаштирувчи 25 километрлик канал ўтказиш ва у орқали Кофирниҳондан Варзобга сув келтириш лозим эди. Варзобдан 49 километрлик канал ёрдамида бу сув Қоратоғ дарёсига қуйилган. Сўнг Узун тумани ҳудудида Тўпаланг дарёси билан бирлашиб, Сурхондарёни ҳосил қилган.

— Шу йилнинг 25 февраль куни Тошкент шаҳрида қабул қилинган Ўзбекистон-Туркманистон қўшма баёнотида икки давлат муносабатларини янада ривожлантириш йўллари белгилаб олинди, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Абдукарим Аҳмедов. — Унда Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларига ҳам эътибор қаратилди. Азалдан давлатлар чегараларидан оқиб ўтадиган сув йўлларига банд, тўғон солинмаган. Тожикистондаги Кофирниҳон дарёсининг юқори қисмидан Ҳисор канали орқали Сурхондарёга сув келган бўлса, Амударё жанубдан томондан Афғонистон орқали оқиб келиб, Термизни айланиб Туркманистонга ўтиб кетади. Демак, ушбу сув манбалари илдизлари бир бўлган қардош халқлар учун умумий.

Яқинда сурхондарёлик касаба уюшма фаоллари Ўзбекистон-Туркманистон қўшма баёнотини қўллаб-қувватлаб касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати қарорини қабул қилдилар.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Феврал ойининг охирларида юртбошимизнинг таклифига биноан Туркманистон президентининг мамлакатимизга қилган расмий ташрифидан хурсанд бўлдик.

АҲИЛЛИККА нима етсин?

Амударёнинг нарёғидаги қариндошларимиз, таниш-билишларимиз ташриф чоғида Гурбангули Бердимуҳамедовга кўрсатилган иззат-икром, икки мамлакат раҳбарлари имзолаган ҳужжатлардан мамнун эканликларини изҳор этишмоқда.

Бир дарёдан сув ичиб, оға-ини, қуда-анда бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва туркман халқларининг тақдири азалдан чамбарчас боғланган. Буни оиламиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, ҳаёт тақозоси билан опам Мунаввар, синглим Салима Лебаб вилоятининг Денов районига турмушга чиқишган. Уларнинг бири ўқитувчи, иккинчиси шифокор. Оиласи тинч, турмуши фаровон. Борди-келди қилиб турамиз. Президентларнинг ўзаро учрашуви бугунимиз ва эртамиз учун катта аҳамият касб этишига ишонаман. Опа-синглим, уларнинг оилалари, қариндошларимиз қаторида юзлаб, минглаб ўзбек ва туркманлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлади. Муштарак эзгу мақсадларимиз камол топаверади.

Шу ўринда айтишим лозимки, бизга қўшни айрим мамлакатларда асрлар давомида икки халқнинг эҳтиёжини қондириб келган дарёларда гидроиншоотларнинг қурилиши сув танқислигини келтириб чиқармайдими? Ўзбекистон Марказий Осиёда аҳолисининг кўплиги, қишлоқ хўжалигининг тараққий этганлиги билан ажралиб туради. Бу соҳани сувсиз тасаввур қилиш мумкинми? Марказий Осиё халқлари азалдан бир оила фарзандларимиз. Бугунги кунда ҳам ибратли анъаналарни давом эттирган ҳолда, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, маслаҳатли иш тутсак айни муддао бўларди. Аҳилликка нима етсин?

Бибиражаб МУҲАММЕДОВА,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Бир дарёдан сув ичган халқ

Дўстлик — қудратли куч

Тарихи ва маданияти чамбарчас боғланган, тили, урф-одатлари ўхшаш ўзбек ва туркман халқлари азалдан дўст-биродар, қариндошлик ришталари асосида яшаб келган. Қашқадарёда олтмиш мингга яқин туркман истиқомат қилади. Биз яшаётган Таллимаржонни ҳақиқий байналмилал шаҳар деса бўлади. Бу ерда барча миллат вакиллари ҳам бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Амударё сувининг 132 метр баландликка кўтарилиб, ноёб агрегатлар ёрдамида Қарши даштига оқизилиши воҳа иқтисодиёти учун катта аҳамият касб этади.

7 та насос станциясининг 6 таси Туркманистон ҳудудида жойлашган. Бир ярим минг кишилик жамоамизда туркманлар кўпчиликни ташкил этади. Ҳозир пенсияда бўлган Ражабтурди Аннаевнинг ёшлиги ўзбек диёрида ўтди. Қашқадарё қўриқларига сув келтиришга катта ҳисса қўшган фидойилардан бири. Унинг фарзандлари ҳам отаси бошлаган қутлуғ ишларни давом эттиряпти. Туркман Боймурод Бекмуродов ва Ялқап Маллаев, рус Анатолий Гоголев, татар Галина Назарова каби ходимлар ватан равнақи йўлида самарали меҳнат қилмоқда.



Туркманистонликлар билан деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачиликни ривожлантириш, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга оширишда ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг учрашувида жуда муҳим, жумладан, Марказий Осиёда сув, энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалалари кўриб чиқилганлиги айни муддаодир.

Трансчегаравий дарёлар манбаларининг камайишига йўл қўймаслик, дарёлар бўйида ҳар қандай гидротехник иншоот барпо этиш учун қўшни давлатлар билан келишиш, бу борада халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланганлиги икки давлатнинг манфаатлари муштараклигидан дарак беради.

Ёқуб МИНГБОЕВ,
Қарши магистрал канали ва насос станциялар бошқармаси касаба уюшма қўмитасининг раиси

Мулоҳаза

Ўзбек халқи азалдан Марказий Осиёдаги барча халқлар билан қон-қариндош бўлиб яшайди. Баҳор келиши билан чорвамиз Қирғизистондаги тоғ ва адирларга ҳайдалган. Қирғизлар эса бизнинг ҳудудимизга ўтиб деҳқончилик қилишган. Қолаверса, шаҳар ва қишлоқларимиз туташиб кетгани боис, халқларимиз ҳам кўп жойларда аралаш яшайди.

Олтиси кўзласа...



ИШ ЮРИТИЛСА...

Буни Наманган вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Учқўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон, Чуст туманларида шундай. Уйчидаги Қизилравот, Янгиқўрғондаги Кўкёр қишлоқларида қирғизлар истиқомат қиладиган алоҳида маҳаллалар бор. У ерларда қардошларимизнинг она тилини сақлаб қолиши, урф-одатларига амал қилиши учун ғамхўрлик қилинмоқда.

Қирғиз тилида мактаб ва боғчалар ишлаб турибди. Ҳужжатлар қирғиз тилида юритилади. Ўзаро муносабатларда «сен ўзбексан», «сен қирғизсан» деган гаплар йўқ.

Азал-азалдан бир дарёдан сув ичамиз. Яъни, Норин ва Қорадарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлган Сирдарё барчамизники. Сирдарё эса Орол денгизигача чўзилган ва ўз йўлида Ўзбекистоннинг қатор вилоятлари ҳамда қўшни Қозоғистондаги ўнг минглаб гектар экинзорларга сув беради. Шундай экан, бизнинг тирикчилигимиз, тақдиримиз чамбарчас боғлиқ.

Лекин кейинги вақтларда, аниқроғи, сўнгги ўн йилликда Норин дарёсида айни ёзда сувнинг кескин камайиб кетиши бизни ҳайрон қолдираяпти. Тўқтағул сув омборига қуйилаётган эмиш деган гапларни эшитамиз. Экинга сув керак бўлмаган куз ва қиш ойларида дарё тўлиб-тошиб оқади. Шу тариқа водий деҳқончилигига катта зиён етказилмоқда. Яна ҳам ачинарлиси, минг йиллардан бери Марказий Осиё экологияси мувозанатини сақлаб келаётган Орол денгизининг қуришига сабаб бўлмоқда.

Сув захиралари минтақа мамлакатларида иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигининг аҳволини белгиловчи асосий омиллардан бири. Марказий Осиё давлатлари учун Амударё ва Сирдарё каби трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Сўнгги пайтларда Қирғизистон оммавий ахборот воситаларида Сирдарёнинг асосий ирмоқларидан бири саналган Нориннинг юқори қисмида Қамбарота ГЭСи каскади барпо этилаётганлиги ҳақида хабарлар берилганлиги шу минтақада яшовчи кўпчиликни ўйлантириб қўймоқда.

Маълумки, сувдан фойдаланиш Марказий Осиёдаги барча давлатлар манфаатига бирдек тааллуқли ва бу борада қўшниларни инобатга олмасдан қабул қилинадиган ҳар қандай қарор Сирдарё этакларидаги сув таъминотини янада мушкуллаштириб, қуриб бораётган Орол таназзулини кучайтириб юбориши, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг миллионлаб фуқароларини ночор аҳволга тушириб қўйиши мумкин.

Бироқ Қирғизистон президенти Қ.Боқиевнинг Россияга ташрифи чоғида Россия ва Қирғизистон ўртасида имзоланган ҳужжатлар мазкур масалага бошқача қарашлар ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади. Бу соҳада шошма-шошарлик, узоқни кўзламаслик, қўшниларнинг манфаатини ҳисобга олмаслик яхши оқибатларга олиб келмаслиги аниқ. Биз Ўзбекистоннинг мазкур муаммо бўйича халқаро саммит ва учрашувларда кўп бор баён этиб келаётган нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаймиз. Уларда таъкидланганидек, трансчегаравий дарёларда гидроиншоотларни барпо этишга доир ҳар қандай лойиҳа халқаро бетараф экспертлар текширувидан ўтиши керак. Донолар айтганидай, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам.

Муҳаммаджон ОТАБОЕВ,
агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши раисининг ўринбосари

Ҳаёт дегани



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

55-модда. **Ер,ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.**

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунидан

3-модда. *Сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки —умуммиллий бойлик ҳисобланади, сувдан оқилона фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан қўриқланади.*

4-модда. **Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди:**

дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувларидан;

ер ости сувлари ва музликлардан иборатдир.

Давлатлараро дарёлар — Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади.

14-модда. Сувнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни қуриш лойиҳалари давлат экспертизасидан ўтказилади, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари ҳамда бошқа органлар билан қонунларга мувофиқ келишиб олиниши лозим.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра айланма сув таъминотига ва бечиқит технологияга ўтказилиши мумкин бўлмаган саноат корхоналарининг сув билан бетўхтов таъминлаш тизимларини лойиҳалаш ва қуришга йўл қўйилмайди.

45-модда. **Шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларига оқинди сувларни ташлаш тақиқланади.**

67-модда. *Алоҳида илмий ёки маданий қимматга эга бўлган сув объектлари тегишли қонун билан дахлсиз деб эълон қилинади, хўжалик мақсадида фойдаланишдан чиқарилади ҳамда бепул ва муддатсиз фойдаланиш учун давлат қўриқхоналари ихтиёрига бериб қўйилади.*

83-модда. **Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ҳамда Орол денгизи ҳавзаси теграсидаги бошқа давлатларнинг ҳудудида жойлашган давлатлараро (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа) сув объектларидан фойдаланишни тартибга солиб туриш давлатлараро шартномалар ва битимларга мувофиқ амалга оширилади.**

84-модда. *Чегара сувларидан фойдаланиш, сув ҳўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш халқаро шартномалар асосида амалга оширилади.*

Ўзбекистон Республикаси чегара сувларининг халқаро шартномада тартибга солинмаган қисмида сувдан фойдаланиш ишлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

91-модда. **Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида сувдан фойдаланиш юзасидан келиб чиққан низолар давлатлараро шартномаларда белгиланган тартибда ҳал этилади.**

98-модда. *Фаолияти сувларнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маҳаллий ҳокимият органлари, табиатни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, санитария назорати органлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан келишган ҳолда технология, ўрмон-мелиорация ва агротехника, гидротехника, санитария-техника тадбирларини ўтказишлари шарт.*

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунидан

5-модда. **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.**

Музей — тарих кўзгуси

ТАБИАТГА муҳаббат

Табиатни муҳофаза қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Бу борада Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг табиат бўлимида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ўлкашунослик музейи таркибида 1947 йили табиат бўлими, 1951 йилда эса табиат бўлими фонди ташкил этилган эди. Бўлимга 50 йилдан ортиқ раҳбарлик қилган С.Ҳабибулина умрининг 55 йилини ўлкамиз табиати ва табиий бойликларини муҳофаза қилишга бағишлаган фидойи инсондир.


1988 йили Бухоро шаҳридаги Чашмаи Аюб ёдгорлигида Арк ўлкашунослик музейининг табиат бўлими таркибида «Бухоро сув таъминоти тарихи» музейи экспозицияси очилган эди. Ушбу музейнинг илмий концепциясини ҳам С.Ҳабибулина тузган.

Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан қайта ишлаб чиқилган илмий концепция асосида сув таъминоти тарихи музейи ташкил этилди. Музейда Бухорони ўрта асрнинг илк даврларидан бошлаб бугунгача сув билан таъминлашга оид 145 та экспонат, жумладан, Пайкент, Варахша ва Бухородан археологик қазилмалар даврида топилган 6 — 12-асрларга оид қувурлар қолдиқлари, сув ташилган мешлар, сув сақланадиган хумлар билан бирга насос станциялари, сув омборлари, қудуқларнинг лойиҳалари, янги сув иншоотларини ишга тушириш ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Бухоро сув таъминоти музейи табиат бўлимидан ажралгач, музей-қўриқхонанинг алоҳида филиали сифатида фаолият кўрсатмоқда. Музейда «Ёш табиатшунос» тўгараги ташкил этилди. Унда «Бухоро вилоятида учрайдиган доривор ўсимликлар ва тиббиётда улардан фойдаланиш», «Бутун мавжудотга муҳаббат» сингари мавзуларда суҳбатлар уюштирилди. Тўгарак аъзолари кучи билан Бухородаги 6-мактабда «Табиатни асраш ҳақида» китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Ҳар йили Наврўз байрами арафасида «Болалар тасвирида она табиат мавзуси» ва «Табиат қанчалик гўзал!» номли расмлар танловини ўтказиш анъанага айланган.

Карим РУСТАМОВ,
Бухоро музей-қўриқхонаси бош директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.
Гулнора ҚОДИРОВА,
Бухоро музей-қўриқхонаси илмий котиби

Тириклик тимсоли





Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

Сир эмас, экологияни сақлаб қолиш борасида жаҳон ҳамжамияти томонидан олиб борилётган ишлар асосида сувни асраш бирламчи аҳамият касб этади. Шу маънода, юқоридаги фикр ва мулоҳазалар кишини ҳушёрликка чорлайди, халқимизнинг обиҳаёт софлигини сақлашга бефарқ эмаслиги ва бу борада қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг ниҳоятда долзарблигидан дарак беради.

Ислом ва одам

Мўғулистонда президент сайлови



Якшанба куни Мўғулистонда президент сайлови бўлиб ўтди. AFP агентлигининг хабар беришича, унда Демократик партиядан номзоди кўрсатилган Цахиагийн Элбегдорж озгина устунлик билан ғалаба қозонган. Душанба куни мамлакатнинг амалдаги президенти, Мўғулистон халқ-инқилобий партияси раҳбари Намбарин Энхбаяр сайловда ютқазганини тан олди.

Цахиагийн Элбегдорж Мўғулистондаги коммунистик тизимни тинч йўл билан ўзгартириш жараёнининг энг фаол иштирокчиларидан саналади. Унинг сайловда ғолиб чиқишида мамлакатдаги табиий ресурслардан самарали фойдаланиш эвазига оддий одамларнинг турмуш шароитини яхшилашни ваъда қилганлиги муҳим рол ўйнади.

Банкирлар иш ташламоқчи




«The Financial Times» газетасининг ёзишига қараганда, Европа Марказий банки ходимлари ташкилот пенсия тизимида режалаштирилаётган ўзгаришларга норозилик рамзи сифатида июн ойининг бошларида иш ташлаш ўтказишмоқчи. Бир ярим соатлик акция 3 июн куни бўлиб ўтади. ЕМБнинг 1500 ходимидан 460 нафари аъзо бўлган IPSO касаба уюшмаси унинг ташаббускори ҳисобланади.

Ходимларнинг норозилигига пенсия тизимини ислоҳ қилиш натижасида уларнинг 65 ёшгача пенсияга чиқиш имкониятининг чекланиши сабаб бўлди. Шунингдек, ўзгаришлар нафақаларни ҳисоблаб чиқиш тартибига ҳам тааллуқли бўлиб, IPSO президенти Адриан Петтининг гапига қараганда, айнан шу боис уларнинг миқдори ўртача 15 фоиз камаяди.

Ўз навбатида, ЕМБ раҳбарияти кутилаётган ўзгаришлар охирги икки йил мобайнида муҳокама қилингани ва ҳозирги иқтисодий оғир шароитда зарурат эканлигини таъкидламоқда.

КХДРнинг қўшнилари безовта




Шимолий Кореянинг ядровий қурол яратиш борасидаги хатти-ҳаракати кўпдан буён дунё ҳамжамиятини, хусусан, унинг қўшниларини безовта қилиб келади. КХДР биринчи бор 2006 йили ядро қуролини синаб кўрган ва БМТ унга нисбатан кўплаб иқтисодий санкциялар жорий этган эди.

25 май куни Шимолий Корея Килчжу шаҳридан 80 км узоқликдаги полигонда яна ерости ядро синовини ўтказди. «РИА-Новости» агентлигининг хабар беришича, Россия Мудофаа вазирлиги маълумотига қараганда, корейслар портлатган ядровий қурилманинг кучи 10 дан 20 килотоннагача бўлган.

Портлаш амалга оширилган ҳудудда 4,5 баллга тенг сунъий зилзила кузатилган. Шундан сўнг КХДРдаги Мусудан старт комплексидан кичик масофага учувчи, ер-ҳаво типидаги ракета ҳам учирилган.

Ядро синови ўтказилганидан кейин Япония ва Жанубий Корея БМТ Хавфсизлик кенгашининг фавқулодда йиғилишини чақириш талаби билан чиқишди. Демак, шундоқ ҳам иқтисодий аҳволи оғир бўлган шимолликлар яна ядровий синов учун жазога тортиладиган кўринади.

Хитой шамолни ҳам тутиб пул қилар...



Хитой тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш учун 3 триллион юан (440 млрд АҚШ доллари) сарфлашни режалаштираяпти. Инвестиция асосан шамол энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи объектлар қурилишига йўналтирилади. Ҳукуматнинг мазкур режаси яқин орада кўриб чиқиш учун Хитой давлат кенгашига киритилади.

Режага кўра, 2020 йили юқоридаги объектларнинг қуввати 100 гигаваттга етиши керак. Шу йили мамлакатда фойдаланиладиган барча энергиянинг 6 фоизи муқобил энергия манбалари ҳисобига тўғри келиши кутилаяпти. Айни пайтда бу кўрсаткич 1,5 фоизни ташкил этади.

Ҳозир Хитойда асосий энергия манбаи — кўмир. Уни ишлатиш жараёнида атмосферага катта миқдорда зарарли газлар ажралиб чиқиши боис Хитой «яшиллар»нинг доимий танқидига дучор бўлаётган давлатлардан ҳисобланади.

Ўн йилда биринчи марта...



Россиянинг «Ведомости» газетасида ёзилишича, МТС уяли алоқа оператори 2009 йилнинг биринчи чорагида 57,7 млн. доллар зарар кўрган. Бундай ҳолат компаниянинг охирги ўн йиллик тарихида биринчи марта кузатилди.

МТС президенти Михаил Шамолиннинг гапига қараганда, молиявий йўқотиш компаниянинг валютадаги қарзини қайта ҳисоблаш билан боғлиқ. Ҳолбуки, МТСнинг миллий валютадаги даромадлари Украинадан ташқари барча мамлакатларда ошган. Бу кўрсаткич 2009 йилнинг биринчи чорагида 2008 йилнинг шу давридагига нисбатан, масалан, Россияда 7,5 фоиз, Туркманистонда 69,7 фоиз, Арманистонда 5 фоиз кўпайган. Украинада эса 9,3 фоиз камайган. Бу мамлакатдаги макроиқтисодий беқарорлик ва аҳолининг харид қуввати пасайганлиги билан изоҳланади.

МТС Россиядаги энг йирик уяли алоқа операторларидан бири бўлиб, МДҲдаги 95 миллион абонентга хизмат кўрсатади. 2008 йили компания 1,93 млрд. доллар миқдорида соф фойда олган.

Интернет хабарлари асосида
Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади

...У чўпондир — етти ўлка кезади...

Маҳтумқули ва Дурди шоир айтишувидан.

Абдунаби Абдиев

ЎТОВ гурунглари

Эссе



(Давоми. Боши ўтган сонда)

5

Соат Вазир билан Исмоил Рамазоннинг танишлари (сурувидаги қўйларни у ёки бу белгисига қараб ажратиб биладиганларга бериладиган нисбат) тўғрисидаги таъриф хўжалик раҳбарлари қулоғига бориб етибди:

— Бир сурув қўйни таниш бўлмаган гап. Бунга инсон имкониятлари етиши гумон, — дебди Меҳнат Қаҳрамони Нурмамат Рустамов. — Келинглар, уларни бир синаб кўрайлик.

— Қандай қилиб?

— Ҳадемай куз қирқими бошланади. Шунда ҳар иккаласининг отаридан биттадан қўйни ўзларига билдирмасдан алмаштириб қўямиз, агар шу таъриф рост бўлса алмашган қўйни таниб беришсин.

Бу таклиф барчага маъқул бўлибди, вақти келиб уни амалга оширишибди.

— Сизларни кўп таниғир дейишади, ҳозир сурувларингизда биттадан бегона қўй бор, қани қайси бирингиз уни топиб биласизлар.

Кўп ўтмай Соат чўпон ҳам, Исмоил чўпон ҳам ўз сурувидаги бегона қўйни қўтондан судраб чиқишибди...

... — Улардан бири адашган қўйни кўзига қараб, иккинчиси оёқ босишига қараб ажрата олар экан.

Вақт алламаҳал бўлиб қолди, энди кулгулироқ бир ҳикоя айтсангизлар, кейин ўтовларимизга тарқалсак.

Даврадошлар «сен айт», «сен айт»лаб бир-бирини туртишдилар. Аммо болалик хотирамдан жой олган бу воқеа ҳалигача эсимдан чиқмайди...

... Жабби полвон Чиноқ чўпонга Туркманистондан меҳмон келаётганини, Сурхи яйловида жой тайёрлаш кераклигини тайинлабди.

— Айтганингиздан ҳам зиёдроқ қилиб қўямиз, ферма бобо, — уни тинчлантирибди чўпон.

Белгиланган вақтда меҳмонлар келишибди, тун-алламаҳалгача шакаргуфторлик давом этибди:

— Энди уйга кетамиз, бир-икки кун Помукда бўлиб қайтасизлар, — таклиф қилибди Жабби полвон.

— Келиш меҳмондан, жавоб бериш мезбондан, бош устига.

Хўжалик директорининг беш ўринли «Уазиги»да меҳмонларнинг оқсоқолини олиб қишлоққа кетиш олдидан Чиноқ бобога:

— Қолганларни меҳмонларнинг юк машинасида бошлаб боринг, — деб топширишибди.

Чиноқ бобо йўлбошловчиларга хос равишда машина кабинасига ўтириб ҳайдовчи йигитга буюрибди:

— Қани, кетдик.

— Қайси томонга?

— Сен ҳайдайвер, мен айтаман.

Ҳайдовчи йигит машинани юргазганидан сўнг қўлини ойнадан чиқарган Чиноқ бобо:

— Тўғри бораяпмиз, газланг, ука, — дебди.

Ярим соатлик дейилган йўлнинг бир-икки соат ўтса-да адоғи кўринмасмиш.

— Адашмадикми, оқсоқол?

— Шунча ёшга кириб, адашиб ўлибманми. Ўзи йўл ёмонлиги учун тез юролмаяпмиз.

Анча юришганидан сўнг машина қумга ботибди:

— Мана, етиб ҳам келдик, энди нима бўлади, — хавотирланибди ҳайдовчи.

— Бизда бундай қум бўлмагич эди, мен тушиб қарай-чи.

Кабинадан тушиб, тепаликка кўтарилган Чиноқ бобо қўлини пахса қилибди-да:

— Адашибмиз, меҳмонлар, Помуқ сапсим (бутунлай демоқчи) орқада қолиб кетибди, — дебди.

... Чиноқ бобо шамолнинг эсишига қараб томонларни белгилар, машина юрганда шамол эпкини ўзгаришини билмаган экан...

Яхши кайфият билан ўтовларга тарқаламиз. Эрта тонг уйқусини тарк этишга эриниб ётганимизда, тоғам:

— Туринглар, йигитлар, сизларга қўйларни жабдиқлаб берай, тонг отиб қолди, — дейди.

Тоғамнинг сурувни саноқдан ўткаришига қойил қоламан. Биз таёқ отиб қўйларни бўлиб юбораверамиз, у киши беш бармоғини ҳар очиб-юмганида:

— Бир, икки, уч, тўрт, беш ..., — деб санайверади.

Сурувда беш юздан ортиқ қўй бор, тоғамнинг сони эса аранг-сира юздан ошади. Шундай бўлса-да:

— Ҳаммаси бор, — деганига ҳайрон қоламан.

— Сизнинг саноғингиз зўрданига юзга етди, қўйларимиз беш юздан кўп, ҳаммаси борлигини қандай биласиз?

— Ҳай, жиян-а, қўлимга қарамадингми, кафтимни ҳар очиб-юмганим бир жабдиқ бўлади, бир жабдиқ эса бешта қўй, мен қўйларни бешталаб санайман, тушунгандирсан энди. Майли, зарари йўқ, ҳали ёшлигинг бор, вақт келиб ҳаммасини ўрганиб кетасан...

Ҳар биримиз ўзимизга ажратилган қўй-қузиларни бош чўпон белгилаб берган ўтлоққа ҳайдаймиз, чорвадорнинг ташвишларга тўла тағин бир куни бошланади...

ИККИНЧИ БОБ

Душанбани бежиз оғир кун деб аташмайди, биринчидан, ҳали дам олиш кунлари эринчоқлиги жисмингизни тўлиқ тарк этиб улгурмаган, иккинчидан, ўтган ҳафта сарҳисобини чиқариш, янги вазифаларини белгилаш ҳам айнан шу кун чекига тушади. Эрта билан ўқитувчиларга кўрсатмаларни бериб эндигина ишхонамга кирганимда эшикдан мактабимиз мусиқа раҳбари — Дармон исмли йигит бўйлади:

— Домла, сизни герой бобо сўраяпти.

— Ҳозир чиқаман.

Ёши саксондан ошган бу отахонни нафақат Помуқда, балки яқин-йироқ қишлоқларда ҳам шундай атасангиз кексаю-ёш бирдай танишади.

Нурмамат бобо ўтирган даврада чорва ҳақида гап очилса тамом, бутун борлиқни унутади, ўрта мактабнинг еттинчи синфини тамомлаб фермада ҳисобчи бўлиб иш бошлаган кезларидан, қарийб ўттиз йил мобайнида қоракўлчилик хўжалигига раҳбарлик қилган йилларида кўрган-билганлари, эшитганларидан эринмай ҳикоя қилади, тинглайдиган қулоқ бўлса, бас. Қишлоқ одамлари, уларнинг феъл-атвори, хайрли ишлари ҳақидаги битикларимнинг бир талайига шу кишининг суҳбатлари мавзу берган.

«Жигули» машинаси солинидан оёғини чиқариб ўтирган отахонга яқинлашиб салом бердим:

— Ассалому алайкум, Нурмамат бобо, келинг.

— Ваалайкум ассалом, ишларинг қалай?

— Раҳмат, жойида.

— Вақтинг бўлса мошинга ўтир, бир-икки соат айланиб келамиз.

Кўпинча отахон ғалати ишларни бошлаб юради, айниқса, гапи қўшиладиган одамлар билан у ёқ, бу ёққа чиқиб туришни, чўпон-чўлиқлар ҳузурига боришни ёқтиради. Айримлар орқаворатдан «Кекса одам, ҳар ишга аралашиб юргунча, оёғини чўзиб ётса бўлмайдими», қабилида гап-сўз қилишса-да юрагига олмайди. Одамларга кўп йиллик тажрибаларим билан бўлса-да ёрдамим тегсин, дейди.

Душанба куни бўлса-да, отахоннинг кўнглини қолдиришни истамай машинага чиқаман.

(Давоми бор)

Оқ йўл

Одам ўзини излаган лаҳзадан яшай бошлайди ва ЎЗини топган онда баркамолликка эришади. Ҳар ҳолда тасаввур ва тафаккур қонунияти шундай.

Қуйида эътиборингизга ҳавола қилинаётган шеърларда ҳам «яшашни шойиста сабрга йўйиш» қанотидан томган изтироб сувлари билан мудроқ руҳни уйғотиш тебраникларини учратиш мумкин.

Ўқиб кўринг. Эҳтимол, сиз-да Уйғонаётган Фикрга дуч бўларсиз.

Руҳимни уйғотдим

* * *

Сочларим қувончдан қорайиб кетди,
Умрим эса бахтдан торайиб кетди.
Ҳатто аламларим дардин унутди,
Тиладим — дардларга бегона қилма!
Ёлғон бахтсизликдан
Ёлғон йиғладим.
Атай одамлардан уздим ўзимни.
Кулфатга қасдма-қасд
Бахтиёр кулди.
Севдим тополмасдан муҳаббатимни.
Кунларни қошимдек териб ташладим,
Кўзимга жойладим юлдузсиз тунни.
Яна хазон бўлдим. Яна яшнадим,
Хаста юрагимга яшириб дунни.

Қиш севгиси

Яна ёғди сен кутган укпар,
Яна маҳзун бўлди табиат.
Миллион марта торайди дунё,
Оқ кафанда ухлар муҳаббат.

Ҳилол ясаб учади қушлар,
Ерни ўпиб ўлаверар қор.
Сен томонга отланаяпман,
Яшамоқни айлаб ихтиёр.

* * *

Бўлди.
Келма.
Керакмас энди.
Тасаллига эмасман муҳтож.
Йўлингда ишқ ёмғири тинди,
Яна кулди
Мен кутган сирож.

Қўй,
Эланма,
Кетгин бутунлай.
Шафқат нима унутиб бўлдим.
Аввалги маъшуқа эмасман,
Ойдай қайта туғилиб тўлдим.
Энди кутма,
Қайтиб бормайман.
Нима қолди муҳаббатга хос.
Сенда қолди хўрланган ишқ — у,
Мендагиси куюк дил холос.

* * *

Сўлиб бораяпман кузги япроқдек,
Узилиб тушаман эрта ё индин.
Сарғардим сарғайган тупроқдек,
Шабнамлар бағримга тўкилди.
Арча мужгонидек дўндим заминга,
Армонни қучоқлаб қабрга қўйдим.
Юрак дардларимни айтмай ҳеч кимга,
Яшашни шойиста сабрга йўйдим.
Биллур харитага ўхшаш самодан,
Манзилинг қидирдим, ўзни йўқотдим.
Менсизлик, сенсизлик аросатида
Йўл топдим
Руҳимни уйғотдим...

Хуршида ЮСУФ қизи,
ЎзМУ талабаси

Ўзбегим боласи

Гулистон шаҳрида очиладиган «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақаси қатнашчиларига бағишлов



(Боши 1-бетда)

Унутмагинки, бугунги кунда ўзбек кураши дунё бўйлаб кезиб юрибди. Ўзбекча каломлар жумлаи жаҳонда баралла янграяпти. Шундай экан, сен ҳам юртимиз шон-шавкатини бундан-да юксак қилиш учун ўзингни чоғлагин. Иккиланма, биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, бундан буён ҳам мутлақо кам бўлмаймиз ҳам.

Паҳлавон Маҳмуд қадимий Ҳинд диёрида кураш тушиб, Туронзаминдан асирликка тушиб қолган юртдошларини халос этгани, кекса Нажмиддин Кубро жондан азиз ватани байроғини қўлларида маҳкам ушлаганча душманни ҳайратга солгани, Жалолиддин Мангубердининг мисли кўрилмаган матонатидан ваҳший Чингизхоннинг ёқа ушлагани... сенга беназир ва бетакрор қудрат бахш этади.

Аждодлар ибрати — авлодлар қудрати. Демак, сен улардан устун бўлишинг зарур. Шундагина жаҳон ҳамжамияти бу кимнинг авлоди, кимларнинг вориси дея бир-бирига савол беради қизиқиб. Ахир «отасига офарин» деб беҳуда айтишмайди.

Бир эслагин-а, боёвутлик шахматчи қиз Сарвиноз Қурбонбоева халқаро мусобақалар шоҳсупасига неча бор кўтарилди! Ёки бошқа мисол. Боёвутлик белбоғли кураш усталари, Ўзбекистон чемпиони деган унвонга сазовор бўлган Мурод, Асил, Шерназар, Жалолиддин, Сайфиддин ўзбекнинг кучини, маҳоратини намойиш қилишди.

Жаҳонни ларзага солган футбол қироли Пелени бир эсла, ёшини яшаб, ошини ошаб бўлгандан кейин спорт билан хайрлашаётганда нима деган эди? Мана, ўзинг ўқи: «Яшасин муҳаббат! Болаларни севинг, биродарлар!».

Олдинда сени катта ҳаёт, катта курашлар майдони кутаяпти. Демак, белни маҳкам боғла!


Яна мана бу гаплар мағзини чақиб олгин: «Беш йил ўтади, жуда кўп бўлса, ўн йил ўтади. Насиб этса, ҳаммамиз соғ-саломат мана шу бошлаган ишларимизнинг самарасини кўрамиз. Ҳар томонлама баркамол ёшларга қараб, қандай миллатга, қандай авлодга эгамиз деб, ҳатто ўзимиз ҳам ҳайратда қолишимиз мумкин».

Ўзбегим боласи, айт-чи, бундай ғамхўрлик яна қаерда, қайси юртда бор? Жумлаи жаҳон биздаги ёшларни чиниқтириш тизимига қойил қолиб турибди. Ўйла, ўзингни буюк ишларга чоғла. Ватан сендан фақат улуғ ишларни кутаяпти.

Пиримқул ДЎСТМУҲАММАД,
Журналистика соҳасидаги
«Олтин қалам» IV Миллий мукофоти
совриндори

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Ургутнинг тоғ ёнбағрида Тўпхона деган тепалик бор. Айтишларича, тарихий жангу жадаллар чоғида Самарқанд шаҳри шу ердан туриб, нишонга олинган экан. Тўпхона номи ҳам ўша даврдан қолган бўлса ажабмас. Туманнинг Сўфиён маҳалласида яшовчи Роҳатой Қўйсинова анча йиллар аввал баландлиги 150 метрча келадиган шу тепаликдаги ерларга мевали дарахт қўчатлари экди. Бир неча йил ўтиб, тепалик ён-атрофида боғ-роғлар пайдо бўлди. Эндиликда бу боғлардан йил бўйи асалнинг хиди келади. Кеч кузда пишиб етилган меваларга қарасангиз кўзингиз қамашади. Анорлар ёқутдек, шафтолилар қирмизи, қора олулар худди сиёҳга ботириб олингандай, қора кишмиш ва сариқ ҳусайнилар барглар орасидан мўралаб гўё «мени ол», деб имлаётгандек. Болга тўлган меваларнинг ҳаммаси инсоннинг жону танига шифо. Аслида, шу боғнинг ўзи улкан бир беминнат ва сахий дорихонага ўхшайди.



РОҲАТОЙ онанинг боғлари

Айтишларича, дарахтлар инсоннинг ички ҳолатини ҳис этиб турармиш. Киши ҳорғин ва маъюс чоғларида бир зум дарахтга суяниб турса, чарчоғи кетиб, вужудига куч инаркан. Дарахт қанчалик йўғон бўлса, қувват манбаи одамга шунчалик тез таъсир кўрсатаркан. Роҳатой она боғдаги ҳар битта дарахтни ниҳоллигидан билади. Қачон экилган, қандай ўсган, қайси дарахтга пайванд қилинган... Ўн беш йилдирки, унинг фикру хаёли шу боғда. «Мевазорларни кўпайтирсам, узумнинг унутилган навларини тикласам» деб ўйлайверади. Ахир олма камқонликка даво, ўрик юрак хасталигида шифо, узум ва шафтолининг инсон организми учун ниҳоятда фойдали эканини ҳамма билади. Қишлоқ одамлари дорихоналарга қатнайвермасдан, мана шу боғ меваларидан еб куч-қувват тўплашса ёмонми?!

Юртимизда боғ яратаётган одамлар кўп эканлиги маълум. Лекин аёл киши бўла туриб, ёши бир жойга бориб қолганда, бу ишга жазм қилиш осон эмас. Онахон бундан кўп йиллар бурун — далада бригадир бўлиб ишлаган кезларида Қрим саёҳатига борганди. У ернинг бетакрор табиатини, тоғнинг шундоққина этагида гулзорлар, узумзорлар ястаниб ётганини кўриб ҳайратга тушган. «Ургутда ҳам худди шундай боғ яратаман» деб дилига тугиб қўяди...

Тошлоқ жой бўлган тепаликни ўзлаштириш учун анча-мунча куч ва меҳнат сарфлади. Тепаликка сув чиқариш учун тиниб-тинчимади. Боғларни янада кенгайтириш ҳақидаги фикрларини катта давраларда ўртага ташлаб, ёрдам кўрсатилишини юқори идоралардан кўп сўради. Кўп ваъдалар берилди, аммо ёрдам кам бўлди. Барибир Роҳатой ўғилларини ёнига олиб, тинмай меҳнат қилди. Пишган мевалари тумандаги болалар боғчаларига, кам даромадли хонадонларга етказиб берилди.

Қишлоқ аҳли ерга меҳр қўйиб, ундан мўл ҳосил ундиришса, дастурхонлар янада тўкин бўлади, одамлар ҳам бой-бадавлат яшайди. Боғбон аёл Роҳатой Қўйсинова шу ҳақиқатни амалда исботлади. «Кунига пою пиёда Тўпхонага қатнайман, боғлар ичини ёлғиз ўзим кезаман, тоғнинг шифобахш ҳавосидан таним яйрайди, дарахтларга қараб меҳнатим самарасидан кўзим қувонади», — дейди онахон.

Роҳатой Қўйсинова икки йил аввал Ҳаж зиёратида бўлиб қайтди.


— Катта бобом кўп йиллар риёзат чекиб, Маккаи Мадинада яшаган, қайтгач, Ургут қишлоқларида болаларни, ҳатто катталарни ўқитиб саводли қилган экан. Янги замонларга шукур, юрт отасининг бизга яратган имкониятларидан фойдаланиб бобомнинг қадами теккан муқаддас жойларга бориб келдим, — дейди Роҳатой она суюниб.

Ҳожи онахоннинг тоғ ён-бағрида яшнаб ётган боғларини кўрган киши битта нарсани ўйлаб қолади. Биз нега дунёга келганмиз? Ташаббус ва жасоратимиз, меҳнатимиз билан эл фаровонлигига улуш қўшиш учун эмасми! Яратган боғларимиз умримизга умр қўшиб, ишларимизни келгуси авлодларга етказса, савоб шу.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Санъат

Нақшлар жозибаси



Мустақиллик халқ амалий санъати усталари ижодининг қайта жонланиши, тикланишига туртки бўлди. Шарқ меъморчилигининг гўзал намунаси бўлган ганчкорликнинг тақрорланмас жозибаси кундалик турмушимизга кириб кела бошлади.

Бу ноёб санъат дурдоналари кишиларга гўзаллик сеҳри, чексиз маънавий-руҳий кўтаринкилик бахш этиши билан ҳам қадрлидир. Аввалларибу дурдоналардан фақат давлатмандларгина баҳраманд бўлиб, уй-жойларини безашда фойдаланишган. Бугунги кунда халқимиз турмуш тарзининг барча жабҳаларида ганчкорликнинг гўзал намуналаридан фойдаланиб, ажойиб санъат кошоналарига сайқал берилмоқда. Айниқса, замонавий услуб билан уйғунликда барпо этилаётган аэропорт, вокзал, жамоа бинолари, ресторан, меҳмонхона, кинотеатрлар, санъат саройлари деворларидаги ганчкорлик ишлари кўзни қувнатиб, маънавий-руҳий қувват бағишламоқда. Шунингдек, амалий санъат асарлари халқнинг моддий фаровонлигига монанд-мос равишда кўплаб хонадонларга ҳам кириб борди. Бу эса санъатнинг халқ билан яқинлашуви, унинг ички эҳтиёжига айланишидан дарак беради.

60 ёшни қаршилаган Ўзбекистон халқ устаси Асрол Мухторов ганчкорликнинг сир-асрорини ҳар томонлама мукаммал эгаллаб, ажойиб санъат дурдоналари яратмоқда. У яратган нақшлар шунчалик жозибали ва нозикки, беитиёр кишини ҳайратга солади, туйғуларини жилолантириб юборади. Рассом бирор асар яратишга киришар экан, аввало, ўз қалбига қулоқ солади. Ундаги гўзал туйғуларни ақл, истеъдод призмасидан ўтказиб, ақлбовар қилмас гўзаллик оламини вужудга келтиради.

Шоҳмот гроссмейстери тахтада мураккаб ечимлар руҳига кириб, минг марта қўлланилган усулдан янги йўл топганидек, халқ устаси Асрол Мухторов ҳам ганчкорликда наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, лок миниатюраси, сополчилик йўналишларини уйғунлаштириб, ўзига хос санъат асарлари яратади. У ислимий, геометрик гирих ичига чизиб, ўйиб, пардозлаш орқали уйғунлик ҳосил қилади. Уста қўлида сайқалланган намуналарга эътибор билан қарасангиз, ниҳоятда мураккаб ва қаватма-қават ишланган нақшларга кўзингиз тушади. Ганчкорликда бундай усулни қўллаш катта тажриба ва маҳорат талаб этади. Асрол эса ўз асарларида айни шу услубни қўллайди ва буни маромига етказиб, эл-юрт олқишига сазовор бўлаётгани қувончлидир. Айниқса, осма, қуйма ганчкорлик борасида устанинг тажрибаси, услуби катта мактаб. Айни кунда Асрол панжара услубини такомиллаштириш борасида изланишлар олиб бормоқда.

Уста яратган асарлар бир-биридан фарқланади. У бирор бинони безар экан, албатта, ўзи бажараётган ишни санъат даражасига кўтариш пайида бўлади. Шу боис у асардан-асарга ўсиб, етуклик сари одимлайди. У яратган санъат дурдоналари бугунги кунда кўплаб иншоотларнинг чиройига чирой қўшмоқда. Туркистон саройи, Олий Мажлис зали ва унинг 2,80 х 3 метрлик ташқи томони, Тошкент шаҳар ҳокимияти биноси, Республика Марказий банки, Байналмилал маданий маркази, Тошкент халқаро аэропортининг кириш ва чиқиш заллари, Чирчиқдаги Кимёгарлар саройи, Фарғонадаги Аҳмад ал-Фарғоний мажмуаси, Самарқанддаги Ҳазрат Хизр масжиди, хуллас, санаб саноғига етиш қийин. Муҳими, у безаган бинолар миллатимиз маънавияти ва салоҳиятининг рамзи сифатида хорижлик меҳмонларни ҳам ҳайратлантирмоқда.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
санъатшунослик фанлари номзоди

Ishonch
Ижтимоий-сиёсий газета
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Oliy Bахт
Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov
Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV
Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90
Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz
Nashr ko`rsatkichi: 133
Navbatchi muharrir: D.Rahmonova
Navbatchi: N.Maxamov
Musahhih: S.Shodiyeva
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.
O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.
«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
(h)- Tijorat materiallari
Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.35
Буюртма Г — 461
18410 nusxada bosildi
ISSN 2010-5002
256